

ЕХХТ

**Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти
ОАВ эркинлиги масалалари бўйича Вакиллик бюроси**

**ОАВ бўйича Марказий Осиё ўн тўртинчи конференцияси
Анъанавий ахборот воситаларидан онлайн ахборот
воситаларига: илғор тажриба ва истиқболлар
Туркманистон, Ашхабод
2012 йил 5-6 июл**

ДЕКЛАРАЦИЯ

Шу йилнинг 5-6 июль кунлари Туркманистоннинг Ашхабод шаҳрида ЕХХТнинг Марказий Осиёдаги мамлакатлар миссиялари мададида ОАВ эркинлиги масалалари юзасидан ЕХХТ Вакиллик бюроси томонидан ташкил этилган ОАВнинг Ўн тўртинчи Марказий Осиё конференцияси бўлиб ўтди.

Кўп йиллар давомида Марказий Осиё конференцияси ОАВ ва Марказий Осиёда журналистлар ҳамкорлиги масалаларини муҳокама қилишга доир мислсиз форум бўлиб келмоқда. Конференция Ашхабодда биринчи бор бўлиб ўтиши.

Икки кунлик конференция ишида Марказий Осиё мамлакатларидан, яъни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистондан 150дан зиёд журналист, ОАВ масалалари бўйича экспертлар, расмий шахслар, фуқаролик жамиятлари вакиллари ва академик доиралар иштирок этишди. Биз шунингдек Афғонистон, Арманистон ва Озарбайжондаги кузатувчи-ҳамкасбларимизни ҳам кутиб олдик.

Мазкур конференциямизнинг асосий мавзуси ижтимоий ва онлайн ахборот воситалари муаммолари бўлди. Конференция қатнашчилари ижтимоий ахборот воситаларида ОАВ эркинлиги, шунингдек интернет ахборотни тартибга солиш бўйича халқаро стандартлар ва миллий тажрибага тааллуқли масалаларни кўриб чиқишди. Қатнашчилар шунингдек Марказий Осиё мамлакатларида ОАВни ривожлантиришдаги сўнгги тенденцияларни ҳам муҳокама қилишди. Бундан ташқари, онлайн ва ижтимоий ахборот воситаларига тааллуқли ҳуқуқий муаммолар, иқтисодий моделлар, сиёсий ёндашувлар ва тажрибалар, шунингдек Интернет-ОАВни ривожлантириш истиқболлари ҳам муҳокама қилинди.

Конференция:

1. Минтақа мамлакатларидаги ҳамкорлик ва ишонч руҳини кўллаб-қувватлаш учун конференция ўтказиладиган жойни ўзгартириб туриш муҳимлигини эътироф этади ва самимий қабул учун Туркменистон маъмуриятига миннатдорчилик билдиради.
2. ОАВ ва фуқаролик жамияти вакиллари, шунингдек Марказий Осиёдаги барча мамлакатлардан давлат ҳокимияти органларининг вакиллари конференцияда иштирок эта олганликларини ҳамда онлайн ва ижтимоий ахборот воситалари соҳасидаги муҳим масалаларни минтақавий даражада муҳокама қила олганликларини эътироф этади.
3. Онлайн ва анъанавий ОАВ ЕХХТга аъзо мамлакатларнинг ОАВ эркинлиги соҳасидаги мавжуд мажбуриятларни бажаришларини яхшилаш имкониятини беришини эътироф этади.
4. Онлай ОАВ ҳилма-хилликни ва фикрлар ҳар хиллигини кўпайтиришга кўмаклашишини кўллаб-қувватлайди.
5. Интернет берадиган объектив имкониятларни, шу жумладан таълимни, иқтисодиётни ва шахслараро мулоқотни ривожлантириш имкониятларини таъкидлайди, ҳамда унинг ахборотни излаш, яратиш, олиш ва уни тарқатиш омили сифатидаги аҳамиятини эътироф этади.
6. Давлат ҳокимияти органларини инсоннинг ўз фикрини изҳор этиш эркинлигига ҳамда ахборот эркинлигига бўлган асосий ҳуқуқларини тегишли қонунлар қабул қилиш, сиёсий қарорлар чиқариш ва амалий иш орқали ҳимоя қилишни таъминлашга, шунингдек уларнинг бажарилиши юзасидан мустақил суд назорати ва самарали жамоат назоратини таъминлашга чақиради.
7. Интернет орқали ўз фикрини билдириш эркинлигига бўлган ҳуқуқни агар бу фикрлар халқаро ҳуқуққа мос келса, демократик жамият учун зарур бўлса, қонунда кўзда тутилган бўлса ва жамоат манфаатларида кўлланилсагина чеклаш мумкинлигини таъкидлайди. Онлайн ОАВдан фойдаланишни фақат суд чеклаши мумкин. Сайтларни блокировка қилиш тўғрисидаги қарор очикдан-очик қабул қилиниши ва етарли тарзда асослаб берилиши лозим. Фойдаланиш чекланган онлайн ОАВ рўйхати оммавий тарзда эълон қилиниши ва кўриш учун очик бўлиши керак.

8. Миллий қонунчилик Интернетнинг, шу жумладан онлайн ОАВнинг ошкоралигига ва очикдан –очик бўлишига кўмаклашиши кераклигини кўзда тутади.
9. Давлат ҳокимияти органларини Интернет тармоғига ва унинг хизматларига кириш ва улардан фойдаланишни, шу жумладан инсон ҳуқуқлари сифатида ижтимоий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқни кўриб чиқишга ва ундан универсал фойдаланишга чақиради.
10. Аҳолининг турли гуруҳлари ўртасида «рақамли тенгсизлик»ни бартараф этиш мақсадида давлат ҳокимияти органларининг барча манфаатдор шахслар билан кўп томонлама ҳамкорлигини кучайтиришга, янги хизматлардан фойдаланишни ўргатишга ва Интернетдан барча умумий фойдалана олишига кўмаклашишга чақиради.
11. Телекоммуникация компанияларини ахборот хизматларидан ва трафикдан, қандай қурилганлигидан, контентдан, муаллифидан, уларнинг яратилишидан ва аҳамиятидан қатъи назар, тенг даражада фойдаланишни таъминлаш учун тармоқли нейтралитетни кафолатлашга чақиради.
12. Интернетдан фойдаланувчилар эркин фикр билдиришга бўлган ўз ҳуқуқларини амалга оширган ҳолда, контентни яратишда зиммаларига оладиган фаол ролни эътироф этади.
13. Давлат ҳокимияти органларини ҳукуматга алоқадор бўлган ва бошқа ижтимоий муҳим ахборотларнинг ошкоралигини ва улардан фуқароларнинг эркин фойдаланишини таъминлаш учун, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳисобот беришларини кучайтириш учун Интернетда ижтимоий медиа воситаларидан фойдаланилишини рағбатлантиришга чақиради.
14. Интернет оммавий бахслар учун очик анжуман бўлиб қолиши, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари эса ҳимоя қилиниши мақсадида давлат ҳокимияти органларини фуқаролик жамияти ва телекоммуникация компаниялари билан қалин ҳамкорликка чақиради.
15. Интернет- фойдаланувчилар ўз ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишлари учун, хусусан, ўз шахсий ахборотларига дахлсизлик соҳасида ноқонуний бузилишлардан ҳимоя қилинишлари лозимлигини таъкидлайди.

16. Давлат ҳокимияти органларини журналистларга, шунингдек блогерлар ва «фуқаро мухбирлар»га ўз фаолиятларини тўсқинликсиз амалга ошира олишлари учун шароит яратиб беришга чақиради.